

ТОШКЕНТ ВРАЧЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Tib.31.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ВРАЧЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ

ТУЛЯГАНОВА НОДИРАХОН МАЛИКОВНА

**БОЛАЛАРДАГИ ЦЕРЕБРАЛ ИНСУЛЬТНИНГ ХАВФ ОМИЛЛАРИ,
ЭТИОЛОГИК ВА КЛИНИК-НЕЙРОВИЗУАЛИЗАЦИОН
ХУСУСИЯТЛАРИ**

14.00.13 – Неврология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ - 2018

**Тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
медицинским наукам**

Contents of Dissertation Abstract of the Doctor of Philosophy (PhD)

Туляганова Нодирахон Маликовна

Болалардаги церебрал инсультнинг хавф омиллари, этиологик ва клиник-нейровизуализацион хусусиятлари..... 3

Туляганова Нодирахон Маликовна

Факторы риска, этиологические и клинико-нейровизуализационные особенностей церебрального инсульта у детей..... 25

Tulyaganova Nodirahon Malikovna

Risk factors, clinical and etiological neuroimaging features of cerebral stroke in children..... 47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 50

ТОШКЕНТ ВРАЧЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Tib.31.01 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ВРАЧЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ

ТУЛЯГАНОВА НОДИРАХОН МАЛИКОВНА

**БОЛАЛАРДАГИ ЦЕРЕБРАЛ ИНСУЛЬТНИНГ ХАВФ ОМИЛЛАРИ,
ЭТИОЛОГИК ВА КЛИНИК-НЕЙРОВИЗУАЛИЗАЦИОН
ХУСУСИЯТЛАРИ**

14.00.13 – Неврология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ - 2018

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.1.PhD/Tib78 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент врачлар малакасини ошириш институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.tipme.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Шамансуров Шаанвар Шамуратович тиббиёт фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Раҳимбаева Гулнора Саттаровна тиббиёт фанлари доктори, профессор Садикова Гулчехра Кабуловна тиббиёт фанлари доктори, профессор
Етакчи ташкилот:	Самарканд давлат тиббиёт институти

Диссертация ҳимояси Тошкент врачлар малакасини ошириш институти ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Tib.31.01 рақамли илмий кенгашнинг 2018 йил «___» _____ соат ___ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100007, Тошкент, Мирзо-Улугбек тумани, Паркент кўчаси, 51-уй. Тел/факс: (99871) 268-17-44; e-mail: info@tipme.uz.)

Диссертация билан Тошкент врачлар малакасини ошириш институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100007, Тошкент, Паркент кўчаси, 51-уй.

Диссертация автореферати 2018 йил «___» _____ куни тарқатилди.
(2018 йил «___» _____ даги ___ рақамли реестр баённомаси)

Х.А. Акилов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Н.Н. Убайдуллаева

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари номзоди, доцент

Б.Г. Гафуров

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Цереброваскуляр патология ва биринчи навбатда бош мияда қон айланишининг ўткир бузилиши (БМҚАЎБ) нафақат катта ёшли аҳоли, балки болалар учун ҳам ҳаётий фаолиятининг бузилиши ва ногиронликка олиб келувчи сабаблар орасида етакчи ўринни эгаллайди. Касалланиш ҳолатлари дунё бўйича 100 000 нафар бола ёшидаги аҳоли сонига 1,5 тадан 7,5 тагача тўғри келмоқда¹. Ҳозирги вақтда дунёнинг кўпгина иқтисодий жиҳатдан ривожланган мамлакатларида болалар орасида инсулт билан касалланиш даражасининг ошиши тенденцияси қайд этилмоқда. Болаларда бош мияда қон айланишининг ўткир бузилиши сабабларини аниқлаш катта қийинчилик туғдиради, натижада болаларнинг бош мия инсулти 20-30% ҳолларда бошқа нотўғри ташхис остида ўтади.

Бугунги кунда болалардаги церебрал инсултни ташхислаш, этиологик омилларни аниқлаш ва касаллик асоратларини олдини олишга қаратилган клиник илмий-тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Адабиётларда болаларда церебрал инсулт ривожланиш хавф омиллари сифатида диссемиранган қон томир ичи қон ивиш синдроми ва нейроинфекциянинг роли, гемостазиологик кўрсаткичлар билан неврологик статусни корреляцион боғлиқлиги етарлича ёритилмаган. Шу сабабли, инсултнинг гемостазиологик омиллари фибрин мономер комплекс эритмаси (ФМКЭ), фаоллашган қисман тромбопластин вақти (ФҚТВ), тромбоцитларни АДФ билан агрегацияси, касаллик диагностикаси, клиник-нейровизуализацион хусусиятлари ва кечишини аниқлаш доирасида янада чуқурроқ ўрганишга қаратилган илмий тадқиқотлар алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Республикамизда ҳозирги кунда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш, аҳоли орасида кенг тарқалган касалликларни профилактика қилиш ва барвақт аниқлаш чора тадбирлари амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари Ҳаракатлар стратегиясида «оналар ва болаларга кўрсатиладиган тиббий ёрдам сифатини ошириш, уларга ихтисослаштирилган ва юқори технологияларга асосланган тиббий ёрдам кўрсатиш»² бўйича муҳим вазифалар белгиланган. Бундан келиб чиққан ҳолда аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, хусусан, болаларда учрайдиган инсулт касаллигини кўпайишига сабаб бўладиган омилларни камайтириш, инсултли болаларга ихтисослаштирилган ёрдам кўрсатиш, самарали даволаш чора-тадбирлар тизимини янада ривожлантириш ва такомиллаштириш, касалланиш кўрсаткичларини пасайиши ва ҳаёти

¹ National Stroke Foundation Clinical Guidelines for Stroke Management 2017 // Clinical Guidelines for Stroke Management 2017 [Электронный ресурс]. URL: <https://informme.org.au/Guidelines/Clinical-Guidelines-for-Stroke-Management-2017>.

² 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси

давомийлигининг узайишини таъминлаш тиббиётнинг мухим йўналишларидан бири бўлиб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 25 декабрдаги «2018-2022 йиллар даврида болаларда туғма ва ирсий касалликларни барвақт аниқлаш Давлат дастури тўғрисида»ги 3440-сон Қарори ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон Фармони билан тасдиқланган «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар Стратегияси» ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ҳозирги вақтда церебрал инсульт этиологияси, патогенези механизмлари, янги ташхислаш ва даволаш усуллари ўрганишга бағишланган кўпдан-кўп илмий нашрларнинг пайдо бўлиши кузатилмоқда. Ўтказилган тадқиқотларда церебрал инсульт ўтказган 50%га яқин болаларда турғун неврологик ва когнитив бузилишлар, ҳамда ¼ қисмида эпилепсия ривожланмоқда. (Dudink J., Benders M.J., 2013; Lehman L.L., Rivkin M.J. 2014; Щедеркина, И.О., 2015).

Шу билан бирга, Ўзбекистонда болалар инсулти борасида эпидемиологик маълумотлар статистикаси ва сабаблари йўқ. Ташхислаш, даволаш ва иккиламчи профилактикани стандартлаштириш ҳозирги вақтгача ишлаб чиқиш босқичидадир. Инсультлар фақатгина неврологик муаммо бўлибгина қолмай, балки унга яқин кўплаб соҳалар эътиборини талаб этади. Турли тор мутахассислар: педиатр, неонатолог, кардиолог, гематолог, генетик, нейрохирург, ревматолог, инфекционист иштирокисиз болалар инсултини ташхислаш ва даволаш қийинчилик туғдиради. Бу эса церебрал қон томирлар ҳалокатига олиб келувчи жуда кўп этиологик омиллар кўрсаткичларига боғлиқдир.

Инсульт ўтказган болалардаги клиник кечуви касаллик даврига қараб қатор ўзига хос жиҳатлар билан катталардан фарқланади, аммо ушбу муаммо борасидаги тадқиқотлар етарли даражада эмас ва хулосалар бир бирига зидлигича қолмоқда (Basu A.P., 2014; Andrade A., Yau I., 2015).

Кейинги йилларда ўтказилаётган тадқиқотлар натижалари, болалар инсултини ташхислаш жараёни жуда мураккаблиги ва невровизуал усул ёрдамида церебрал инфарктни аниқлашдан ташқари, асосий касалликни аниқлаш учун турли тестлардан фойдаланишни талаб этади. (Per H., et al., 2014; Roach E.S., et al., 2008). Афсуски, ҳозирги вақтда Ўзбекистонда, тезлик билан ташхислашни амалга ошириш имконсиз бўлиб қолмоқда. Одатда, невровизуализация, стандарт қон ва пешоб таҳлили, коагулограмма, эхокардиография, баъзан, транскраниал доплерография амалга оширилади.

Бирок, фақат шу кўрсаткичлар асосида бизнинг регионда болалардаги церебрал инсультнинг этиологик омиллари қандайлиги, манифестнинг клиник хусусиятлари, ёшига ва бошқа омилларга боғлиқ бўлган инсультнинг у ёки бу турининг кечиши қандайлигини аниқлаш жуда қийин.

Дунё жамиятининг инсульт ва унинг асоратларига қарши курашишга йўналтирилган катта кучни, шунингдек, ушбу соҳадаги муайян ютуқларга қарамай, янада чуқурроқ ўрганишни талаб этувчи бир қатор масалалар ҳалигача баҳсли ва ноаниқ бўлиб қолмоқда. Шунга кўра, болаларда церебрал инсультни ташхислаш, даволаш ёндошувларини такомиллаштириш долзарб ва амалий жиҳатдан муҳим ҳисобланади.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий-таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент врачлар малакасини ошириш институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ, АДСС 15.23.4 «Эрта ёшдаги болаларда инсультнинг патогенетик ташхислаш усуллари яратиш ва даволаш усуллари такомиллаштириш» (24.02.2015 йилдаги 2-сон шартнома) амалий тадқиқот лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади болаларда церебрал инсультнинг хавф омиллари, этиологик, клиник ва нейровизуал хусусиятларини аниқлаш ҳамда қиёсий ташхислашни такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Болаларда церебрал инсультнинг турли ёш давридаги хавф омиллари ва этиологик хусусиятларини аниқлаш;

Болаларда перинатал ва болалар церебрал инсультининг турли даврларда клиник-неврологик хусусиятларини таҳлил асосида аниқлаш;

Болаларда қон ивиш тизими ҳолати (гемостазиограмма) ва унинг церебрал инсультнинг турли даврларидаги оғирлик даражасига таъсирини аниқлаш;

Болаларда церебрал инсультнинг даврдан келиб чиққан ҳолда бош миядаги нейрофизиологик ва нейровизуализацион ўзгаришларни корреляцион таҳлил асосида аниқлаш;

Болаларда церебрал инсультда ташхислаш чора-тадбирлари ва даволаш мезонлари алгоритминини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида церебрал инсультнинг ўткир ва тикланиш давридаги чақалоқликдан 16 ёшгача бўлган 299 нафар беморлар олинди.

Тадқиқотнинг предмети сифатида гемостазиологик кўрсаткичлар: тромбин вақти, ФМКЭ, тромбоцитларнинг АДФ билан агрегациясининг ўрганиш мақсадида, инсульт ўтказган болалар веноз қони ва қон зардоби намуналари, шунингдек клиник, нейровизуализацион, нейрофизиологик текширувлар олинди.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда клиник маълумотлар, анамнестик маълумотларни батафсил йиғиш, нейровизуализацион (магнит резонанс томография – трактография (DTI)), ва нейрофизиологик

(ЭЭГ, ЭхоКГ) текширувлар, гемостазиологик ва статистик тадқиқот усуллардан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Ўзбекистонда болаларда церебрал инсульт ривожланишини хавф омиллари сифатида, онанинг хомиладорлик давридаги касалликлари ва бу даврда онанинг алоҳида дори воситаларини қабул қилишининг ишонарли даражадаги аҳамияти аниқланган;

болаларда церебрал инсультнинг тури ва даврига боғлиқ ҳолда клиник кечиши хусусиятлари: кичик ёшли болаларда дастлаб умумий мия белгиларининг устун бўлиб, кейинчалик ўчоқли ўзгаришлар шаклланиши, каттароқ ёшда эса, ўчоқли бузилишларнинг анча олдинроқ пайдо бўлиб, кейинчалик кўпол мотор етишмовчиликларга сабаб бўлиши аниқланган;

церебрал инсульт ўтказган болаларнинг гемостазиологик кўрсаткичлари билан неврологик статус ўртасида тўғри корреляцион боғлиқлик борлиги аниқланган;

церебрал инсульт турига қараб, нейрофизиологик ва нейровизуализацион комплекс текширишлар натижаларини ҳисобга олган ҳолда ташхислаш мезонлари аниқланган;

туғилгандан 16 ёшгача бўлган болаларда церебрал инсульт ва унинг асоратларининг қиёсий ташхисот алгоритми ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

болаларда церебрал инсультни ривожланиш хавфи ва кечиш оғирлигини белгилашда: ёши, ўтказилган инсульт шакли ва характери, нейровизуал маълумотларда инсультдан кейинги ўчоқлар сони, хажми ва жойлашиши, зарарланиш томони, дастлабки тутқаноқ хуружини инсультга нисбатан рўй берган вақтни ҳисобга олиниши кераклиги асослаб берилган;

гемостазиологик ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда беморларни юритиш ва этиотроп даволашни эрта буюрилиши лозимлиги аниқланган;

соғлиқни сақлаш тизими амалиётида болаларда церебрал инсультни даволаш тактикаси бўйича кенг қўлланиши мумкин бўлган амалий тавсиялар ишлаб чиқилди;

таклиф этилган қиёсий ташхисот алгоритми касаллик туридан келиб чикиб церебрал инсультли болаларни ҳам амбулатор, ҳам стационар шароитда адекват даволашнинг самарали усулини танлашда қўлланилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги тадқиқот услуги ва дизайни асослангани, тадқиқотни амалиёти билан олиб бориш, тадқиқот предмети, мақсади ва вазифаларига мос усуллар қўлланилгани, тиббий статистиканинг замонавий, тасдиқланган, тўғри усулларини қўллаш, натижаларни сифат ва миқдорий баҳоси, ишлаб чиқилган алгоритмнинг инсульт бўлган болаларни ташхислаш ва даволашни такомиллаштириш амалиётига жорий қилиш билан тасдиқланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, олиб борилган таҳлиллар инсультнинг турли даврларида унинг этиологияси, бошланган вақти, даври

ва инсулт типига кўра беморларни даволашга самарали ёндашувларни ишлаб чиқишга имкон берди. Инсулт хавфини прогностлашнинг клиник мезонлари, перинатал ва болалар инсултнинг ўзига хос хусусиятлари ушбу тоифадаги беморларни даволаш тактикасини такомиллаштиришга имкон берди. Олинган маълумотлар ишемик ва геморрагик инсулт билан касалланган болаларни ташхислашни ва даволаш тактикасини яхшилашга ёрдам берди.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти шундан иборатки, тадбиқ этилган болалардаги церебрал инсулт даврига боғлиқ ҳолда клиник белгиларнинг қиёсий ташхисот ва даволаш алгоритми касалликни ўз вақтида ташхислаш ва даволашга янги ёндашувларни ишлаб чиқишга хизмат қилади. Болаларда инсултнинг турли шаклларида гемостаз тизимидаги уткир узгаришларни аниқлаш натижасида БМҚАЎБ эрта ташхислаш ва даволаш мезонлари ишлаб чиқилган. Ишлаб чиқилган қиёсий ташхисот мезонлари инсултли беморларни олиб бориш ва даволаш тактикасига олдиндан тузатиш киритишга ва беморлар ҳаёт сифатини яхшилашга имкон яратади.

Тадқиқот натижаларининг жорий этилиши. Болаларда инсулт ташхисини такомиллаштириш бўйича илмий натижалар асосида:

«Болаларда церебрал инсултдаги гемостаз кўрсаткичлари» мавзусидаги услубий қўлланмаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 4 майдаги 8н-д/88-сон маълумотномаси). Мазкур услубий қўлланма церебрал инсулт ўтказган болаларда гемостазиологик ўзгаришларни эрта ташхислаш, клиник кечишини аниқлаш, беморларни кейинги кузатув ва дифференциал даволаш тактикасини оптималлаштиришга хизмат қилади;

болаларда церебрал инсултни ташхислашни оптималлаштириш чора-тадбирлари бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш тизимига, жумладан Тошкент шаҳар 1-сон болалар клиник шифохонаси, Қорақалпоғистон Республикаси Беруний туман марказий шифохонаси амалиётига тадбиқ қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 17 майдаги №8н-д/91-сон маълумотномаси). Жорий қилинган натижалар болаларда церебрал инсултни даволаш чора-тадбирлари бўйича ишлаб чиқилган қиёсий ташхисот алгоритми комплексли тиббий-ижтимоий реабилитация самарадорлигини сезиларли ошириш билан бир қаторда даволашни адекват ва ўз вақтида олиб боришга имкон берди, бу эса ногиронликнинг оғирлик даражасини 1,7 марта пасайтиришга, стационар шароитда даволаниш муддатини 1,8 баробар қисқаришига, даволашга кетадиган сарф-ҳаражатларни 28 фоизга камайтириш имконини яратади ҳамда бола ва унинг оиласи ҳаёти сифатини оширишга ёрдам берди.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 5 та халқаро ва 6 та республика илмий-амалий конференцияларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 43 та илмий иш, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий

натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 10 та мақола, жумладан, 7 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда нашр этилган. “Болаларда инсультнинг оғирлик даражасини баҳолаш ва башоратлаш учун дастурлар мажмуи” учун интеллектуал мулк агентлигида қайд этилганлиги тўғрисида гувоҳнома олинди (Тошкент шаҳри, 2014 йил 9 декабрдан DGU 02889).

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация таркиби кириш, 4 боб, хулоса, амалий тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, муаммонинг ишончлилиги даражаси кўриб чиқилган, тадқиқотнинг мақсади ва илмий вазифаси шакллантирилган. Тадқиқотнинг объекти, предмети, услубий негизи ва назарий асоси, текширув усуллари белгиланган, текширувларнинг республика фан ва технологиясини ривожлантирувчи устувор йўналишларига мутаносиблиги кўрсатилган. Тадқиқотнинг илмий янгилиги, назарий ва амалий ахамияти очиқ берилган. Текширувда олинган натижаларнинг ишончлилиги ва асосланганлиги, уларнинг апробация ва тадбиқ қилинган доираси, чоп этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Болаларда церебрал инсультнинг замонавий концепцияси”** деб номланган биринчи бобида болаларда церебрал инсультнинг патогенези, хавф омиллари ва клиник хусусиятлари ҳақида замонавий қарашлар акс этган адабиётларнинг кенг шарҳи келтирилган. Болаларда инсульт ривожланишидаги лабораториявий ўзгаришларнинг илмий асосланган маълумотлари баён этилган. Болаларда инсультнинг типи ва турига боғлиқ нейровизуал кўрсаткичларининг натижалари кўрсатилган.

Диссертациянинг **«Болалардаги церебрал инсультнинг клиник ва нейровизуализацион жихатларининг клиник материал ва тадқиқот усуллари»** деб номланган иккинчи бобида тадқиқот материали ва услублари баён этилган.

Мазкур тадқиқот 2011-2017 йилларда, ТВМОИ болалик даври асаб касалликлари кафедраси ходимлари ва Тошкент шаҳар 1-сон болалар клиник шифохонаси невролог мутахассислари кузатувида бўлган 299 нафар церебрал инсульт билан касалланган болаларни «бир маротабалик» типидagi проспектив текшируви маълумотларига асосланган.

Текширилаётганларнинг 195 нафари ўғил болалар (65,2%) ва 104 таси қиз болалар (34,8%) бўлди. Беморларнинг ёши 19 кунликдан 16,3 ёшгача бўлган беморлар ташкил этди (Me=9 ойлик.; (Q₁-1,8 ойлик.; Q₃-33,7 ойлик.)). Болаларнинг инсульт бўлган вақтдаги ўртача ёши 1,3 (1; 3) ойликка (Me; (Q₁; Q₃)) тўғри келди.

Қўйилган вазифаларга мувофиқ ҳолда, барча беморлар қуйидаги гуруҳларга бўлинган: 1-гуруҳга перинатал инсулт (ПИ) бўлган 100 та бемор киритилди. Инсултнинг типига кўра беморлар 1-а гуруҳга 71 та геморрагик инсулт (ГИ) бўлган болалар киритилган ва 29 нафар 1-б гуруҳга ишемик инсулт (ИИ) ўтказган болалар ташкил этди. Инсулт бўлган вақтдаги ёш диапазони туғилгандан 29 кунликкача бўлган вақтни ташкил этди. Инсулт бўлган вақтдаги болаларнинг ўртача ёши 23,5 кунликка тўғри келди. 2-гуруҳни болалар инсулти (БИ) билан касалланган 199 та бола ташкил этди. Ўртача ёши - 51 кунлик, кварталлараро кенглик эса 30дан 240 кунгачани ташкил этди.

Барча гуруҳларда гўдак ёшдаги (0-1ёш) болалар сони кўпроқ бўлиб, беморларнинг 266 (89%) нафарини ташкил этган, бўлишди, 1 ёшдан катта беморлар эса 33 (11%) нафарни ташкил этган. Беморлар орасида статистик жиҳатдан ўғил болаларнинг 200 (66,9%) қиз болаларга 99(33,1%) нисбатан ишонарли ($p < 0,01$) даражада кўпроқ учраган.

Беморларда оилавий анамнез, соматик ва неврологик статус ўрганилди. Тошкент врачлар малакасини ошириш институтининг болалар неврологияси кафедрасида инсулт бўлган беморлар учун ишлаб чиқилган касалликнинг стандартлашган тарихи бўйича анамнез йиғилди, беморлар тиббий кўрикдан ўтказилди. Касалликнинг ўткир ва тикланиш давридаги беморларга Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш Вазирлигининг Гематология ва қон қуйиш илмий текшириш институтида гематолог томонидан маслаҳат берилди.

Олинган натижалар Statistical Package for Social Science-19 (SPSS, IBM, USA) дастурий мажмуасини қўллаган ҳолда статистик таҳлилқилинди. Гуруҳларда текширилаётган миқдорий кўрсаткичлар тақсимланишининг нормал тақсимланиш билан мослигини текшириш учун Колмогоров-Смирнов мувофиқлик мезонидан фойдаланилди. Икки кўрсаткич ўртасидаги ўзаро боғлиқликни баҳолаш мақсадида Спирмен корреляцияси нопараметрик коэффициенти (r_s) қўлланилди. Узлуксиз миқдорий маълумотлар таърифий статистикаси: нормал тақсимланишда ўртача қиймат (M), стандарт чекланиш қиймати ($\pm SD$) ва ўртача қийматнинг стандарт хатолиги (m) кўринишида; шунингдек, нормадан фаркли жойлашувда медиана (Me), қуйи ($Q_1-25\%$) ва юқори ($Q_3-75\%$) кваттилллар қиймати кўринишида тақдим этилди. Барча тестлар учун статистик кўрсаткич $p < 0,05$ даражаси билан тан олинди.

Диссертациянинг **“Болаларда церебрал инсултни клиник-анамнез ва лабораториявий текшириш натижалари”** деб номланувчи учинчи бобида оналарнинг экстрагенитал анамнези, аёлларда ҳомиладорлик ва туғруқ асоратлари, янги туғилган чақалоқнинг туғруқ жараёнидаги ҳолати, инсултнинг хавф омиллари ва асосий сабаблари ва болаларда ПИ ва БИнинг клиник-неврологик, гемостазиологик ўзгаришларнинг хусусиятлари ўрганилди.

ПИ бўлган болаларнинг акушерлик анамнези таҳлили бу тоифадаги болалар 1-2 ҳомиладорликдан (68%) ва 1-2 туғруқлардан (76%)

туғилганликларини кўрсатди. Соматик касалликлар билан касалланган онанинг анамнези таҳлили 58 та (58%) онада анемия, 20 та аёлда (20%) буйрак патологияси, 5 та ҳолатда (5%) ошқазон-ичак касалликлари, 25 та (25%) онада эндокрин патологияси аниқлади, веналарнинг варикоз кенгайиши 13 та (13%), шунингдек, бурундан қон кетиши 7 та (7%) ҳолатда қайд этилди. TORCH инфекциясининг мавжудлиги: 37 та аёлда (37%) Цитомегаловирус ва оддий герпес вируси, 1 та онада (1%) токсоплазмоз, 3 та (3%) аёлда хламидия аниқланди. TORCH инфекциясининг мавжудлиги фетоплацентар етишмовчилигининг ривожланишида, ҳомиланинг сурункали қорин ичи гипоксиясига, болаларда бош миyaning перинатал даврда геморрагик ва ишемик шикастланишига таъсир қилиши “тарафдор” ва “қаршилар”га эга баҳсли масала бўлиб қолмоқда.

Биринчи 3 ойликда ҳомиланинг тушиши, эрта токсикозлар, аёлларда асаб бузилиши сабаб стрессли ҳолатлар, шунингдек, қон кетишлар 1,4%дан 7% ҳолатларда кўпроқ кузатилди. Преэклампсия ҳолатлари ҳомиладорликнинг 2-ярмида кўпроқ белгиланади. Таъкидлаш керакки, ГИ бўлган болаларнинг оналарида анемиянинг мавжудлиги ИИ бўлган гуруҳдаги болаларнинг онасига қараганда деярли 2 марта кўпроқ учради. Анемия биринчи ва иккинчи уч ойликларда тенг даражада кузатилди. Шунингдек, 1-уч ойликдаги кузатувларнинг ярмидан кўпида ва 2-уч ойликнинг 38 ҳолатида оналар айрим сабабларга кўра баъзи дори воситаларини қабул қилишган. Анамнез маълумотларига мос равишда, оналарда кўпинча туғруқнинг узок вақт давом этиши, туғруқнинг тез кечиши эса камроқ ҳолатларда белгиланди (42% ва 23%га мос равишда). Мияда қон айланишининг ўткир бузилишининг юзага келишида интранатал омиллар – 22 та (22%) ҳолатда ҳомила атрофидаги сувнинг эрта кетиб қолиши, 38 та (38%) ҳолатда сувнинг лойқаланиши муҳим рол ўйнаган. Бўйин атрофига киндикнинг ўралиши етарлича кўп – 40 (40%) ҳолларда учрайди, улардан бир марта ўралиш 26 та (26%), киндикнинг икки марта ўралиши – 11 та (11%), 3 марта ўралиши 3 та (3%) ҳолатда кузатилди. Тез туғруқлар 23 нафар (23%) онада белгиланган. Яъни, мавжуд барча омиллар инфекцион омил ва бошқалар таъсирида гипоксик бузилишга замин яратган, бу эса умумий метаболизмга таъсир этган.

Таъкидлаш зарурки, иккала гуруҳда ҳам тана ҳарорати кўтарилиши айрим сабабларда ўткир респиратор инфекция, ўткир ичак касаллиги кабилар биргаликда учраши кузатилди, бунда қон-томирлар бузилишининг ривожланишига инфекцион омилларнинг таъсир этиши мумкинлиги мустасно эмасдир. Бундан ташқари, туғруқ жароҳатлари ва соматик патология ёндаш олда учраши кузатилди.


Перинатал геморрагик инсульт бўлган болалар учун гематологик бузилишлар (коагулопатия, ДВС синдром, тромбоцитопатия), нейроинфекция ва гипоксик-ишемик энцефалопатия(ГИЭ) асосий ўзига хос хавф омиллари бўлди. Перинатал ишемик инсульт бўлган болалар учун кардиологик касалликлар, туғруқнинг бузилиши билан боғлиқ (узок чўзилган

туғруқлар, қорин ичи гипоксияси, ҳомила олди сувининг вақтидан олдин кетиб қолиши) ГИЭ аҳамиятли хавф омиллари бўлган.

ИИнинг 41% ҳолатида болалар оғир ҳолатда туғилишган, бироқ ИИ натижасида мос равишда ривожланган клиника ўзининг оғир неврологик ва умумий соматик белгилари билан фарқ қилган. Янги туғилган чақалоқларнинг ҳолати неонатал сарикликлик -билирубинупатия, айниқса унинг узок чўзилиши характерида оғирлашади. Узок муддатли сариклик синдроми болалардаги геморрагик инсультнинг асосий кўриниши бўлди.

Шунинг учун, қон кетишининг ривожланишида ўткир респиратор инфекция, диарея, вакцинациядан сўнг каби ҳолатларни, биз “провокация омиллари”деб аниқладик.

ГИга нисбатан энг хавфли ёш 30кунликдан 50 кунликкача бўлган давр бўлиб, ўткир қон-томир ҳалокатининг авжга чиқиши 40 кунликга тўғри келиши аниқланди, шунинг ўзи кеч манифестацияли янги туғилган чақалоқларнинг геморрагик касаллигини истисно қилиш заруриятини кўрсатади. Яъни, бу даврий вақтда цереброваскуляр патология ривожланишида перинатал даврда хавф омилларининг эҳтимолий этиологик аҳамиятини кўрсатади (1 расм).



Изоҳ: горизонтал бўйлаб – яшаш кунлари; вертикал бўйлаб – беморлар сони.

1-расм. Ёшга боғлиқ бўлган геморрагик инсульт частотаси

Дарҳақиқат, чўзилган сариклик узок давом этган деярли ҳар бир бола учун қон куйилиши хавфи бўлган гуруҳни ташкил этади, яъни тадқиқотимизда 44% болада узок чўзилган характерли гипербилирубинемия (тўғридан тўғри бўлмаган) кузатилди. Геморрагик ҳалокат ривожланишигача бўлган 3% ҳолатда диарея мавжуд бўлган, анемия эса 31% ҳолатда кузатилган. Янги туғилган чақалоқларни геморрагик касаллигини ёки витамин К танқислигига боғлиқ геморрагик синдромни эътиборсиз қолдириш мумкин эмас, бир ойлик болаларда қон ивиши (II, VII, IX, X),

омилларининг етишмаслиги натижасида чақалоқларда қон кетиш хавфи юқоридир.

БМҚАЎБнинг барча даврларида геморрагик ва ишемик типиди неврологик кўрик амалга оширилди. Шундай қилиб, кузатилаётган беморларда БМҚАЎБда кўпинча умумий мия белгилари – 48% ҳолатларда безовталиқ, 13%да эс-хушнинг бузилиши, 14%да қусиш, 32% ҳолатда шайтонлаш хуружи кузатилди. БМҚАЎБдан чиқиш ҳаракат бузилиши оғирлигининг турли даражаларига (64%) аниқланди. Қайд этиш керакки, болалиқда, айниқса, кичик ёшда БМҚАЎБ манифести умумий мия белгилари кўпроқ пайдо бўлиши билан фарқ қилади, бу эса унинг бошқа ҳолатлар билан пухта фарқлашни талаб қилади.

Шундай қилиб, безовталиқ белгиси кўпинча ўткирроқ ва ўткир босқичларда (69,2% ва 77%), камроқ тиклаш (44,8%) даврида ва фақат 16,7% қолдиқ асоратлар даврида кузатилган, бу қон айланишининг бузилиши клиник манзарасининг кетма-кетлиги нуқтаи назаридан жуда тушунарли. Эҳтимол, беморларда безовталиқ сабаблари ушбу шикоятларда кўринган даврга кўра турлича бўлган. Ишончли муносабат фақат инсулт типиди ва белгиси бор бўлган умумий якунда белгиланди, яъни ГИда безовталиқ энг кўп акс этди ($\chi^2 = 17,394$, $df = 4$, $p=0,002$).

Эс-хушнинг бузилиши, оғирроқ шикастланиш кўринишида ГИда ўткирроқ ва ўткир даврларда, 2 марта кўпроқ учради (42% ва 17% мос равишда), ($\chi^2 = 26,417$, $df = 4$, $p=0,001$).

Гипертермик синдром 15 % ҳолатда ГИнинг ўткирроқ ва ўткир даврларида клиник кўринишлардан бири бўлиб хизмат қилди. Болаларда инсултнинг ўткир даврига нисбатан худди шундай катталардаги белгилардан сезиларли фарқланишини қайд этиш лозим: 35-40% болаларда мия қон томирлари ҳалокатига қадар субфебрилитет “ноаниқ” этиология (чуқур клиник текширилганга қарамай) кузатилади; болаларда 62% ҳолатда инсултнинг тизимли соматик сабаблари катталардаги ўхшаш сабаблардан устун. Инсултнинг «соматизация»си кичик ёшли болаларда мия ҳалокатини худди шундай синдромли каттароқ ёшлилар гуруҳидан фарқланишини кўрсатди.

I-гуруҳдаги болаларда (ПГИ (перинатал геморрагик инсулт) $n=71$) кўз ҳаракатланишининг бузилиши (нигоҳ фалажи, нистагм, олиб келувчи ва олиб қочувчи ғилайлик, птоз, ярим птоз) (ПИИ (перинатал ишемик инсулт) $n=29$) билан таққослаганда 31 та (43,7%) ҳолатда кузатилди. 45нафар (66 %) болада ПГИда ва ПИИ бўлган гуруҳда 18 та (62%) ҳолатда VII жуфт БМН(бош мия нерви) марказий фалажи кузатилди. Ютинишнинг бузилиши ПГИ бўлган болалар гуруҳида 31 та (46%) ҳолатда, ПИИ бўлган беморлар гуруҳида 8 та (28%) ҳолатда белгиланди. XI, XII жуфт фалажи 4та (6%) ва 5та (17%) ҳолатларда мос равишда белгиланди. Бош мия жуфт нервлари иннервациясини ёндаш оғишмалар билан жалб бўлиши шубҳасиз, бош миясининг қайсидир соҳасида қизиқтирганлигини тасдиқлади. Ҳаракатланиш соҳасида: чап томон қўл-оёқда ҳаракатланишнинг чегараланганлиги ПГИ 16 та (23%) беморда, ПИИ 12 та (41%) болада белгиланди. Ҳаракатнинг ўнг

қўл-оёқда чегараланиши 16 та (24%) ва 10 та (34%) беморда мос равишда белгиланди. Қўпол, диффузиявий шикастланишни кўрсатувчи тетрапарез ПГИ гуруҳдаги болаларда 25 та (36%) ва ПИИ гуруҳда 7 та (24%) ҳолатда учради. Шунга кўра, беморларнинг ёшани ҳисобга олганда сезувчанлик, координатор соҳа кўриб чиқилмади.

Болаларда инсултдан кейин неврологик танқисликнинг ривожланиши 70% ҳолатда катталарга (33%) нисбатан сезиларли даражада яхшироқ ўтди. Чунки, ўнг томон фалажида белгилар барқарор табиатли бўлиб, беморларда ҳатто қон-томирлар ҳавзасига боғлиқликдан ташқари қўпол тарзда ҳаракат бузилиши кузатилди.

Шубҳасиз, ўчоқ белгилари ўчоқнинг жойлашуви, аниқроқ, қон томир ҳавзаси, етишмовчилик фони ва касаллик даврига боғлиқ бўлган. Ўчоқнинг чап томон мия ярим шарида жойлашуви ўнг томонда жойлашишдан устун бўлган.

Биз томонимиздан, ГИда кўпроқ бир-бирига яқин қон айланиши худудига (айниқса перинатал инсултда), яъни ОМА (олдинги мия артерияси) ва ЎМА (ўрта мия артерияси) (54,3%) ҳавзалари, шунингдек ОМА (42,7%) ҳавзасига тегишли эканлиги аниқланди. Шунингдек, 31,1% ҳолатда ЎМА ҳавзасига ҳам тегишли бўлган. Ушбу рақамлар шунингдек БМҚАЎБни келтириб чиқарувчи сабабларда ҳам аҳамиятга эга. Болаларда БМҚАЎБнинг асоратларидаги эпилептик хуружлари таҳлилида ИИли болаларда (14%) генерализацияланган хуружлар деярли иккиламчи генерализациялашган хуружлар билан (14%) тенглиги белгиланганини кўрсатди. Бунда оддий парциал тутқаноқлар (хуши ўзида бўлганда) ИИ синдромли 31% беморларда ва ГИ синдромли 29% болаларда белгиланди. Умумий хуружларлар орасида бироз фарқ билан миоколониқ хуружларлар устунлик қилди: ИИ бўлган беморларда 7%, ИИ бўлган беморларда 4% кузатилди.

Шу тариқа, ПИ даги илк клиник белгилар номахсус бўлиб, каттароқ ёшдаги инсултларга қараганда, клиник белгилари борасида ҳам, ажратилган этиологик омиллар ёки уларнинг аралаш шаклларида ҳам инсултлар соматизацияси устуворлик қилади. Маълум қон-томир бассейни соҳаси иштироки, БМҚАЎБ сабаблари, шунингдек, клиник белгилари даражаси ҳам аҳамият касб этади.

Болалар инсульти (БИ) бўлган болаларнинг анамнестик ва клиник-неврологик маълумотлари таҳлили қуйидаги хусусиятларни аниқлади. Болалар геморрагик инсултлари частотаси (БГИ) 64,3%ни, болалар ишемик инсултлари эса (БИИ) 35,7% ни ташкил этди. БГИ нинг бу каби юқори кўрстакчи эрта гўдак ёшидаги болалар ҳисобига ошиб кетади, зеро барча болалар геморрагик инсултларининг 90,8% ҳолатида беморлар ёши 3 ойликкача бўлган гўдакларга тўғри келган, бу эса болалар инсульти статистикаси манзарасини анчагина бўрттириб кўрсатади. БИИ таҳлили маълум маънода “каттайиш”ни кўрсатмоқда, яъни мазкур гуруҳда ИИ кўпроқ 3-ойликдан бошлаб 1 ёшгача бўлган ёш орасида 15,1% ҳолатда ва 1 ёшдан 3- ёшгача бўлган ёш орасида 10,6% ҳолатда кузатилди. Бундай вазият

инсулт ривожланишининг сабаб омилларини ҳисоб-китоб қилишда аҳамият касб этади.

73,6% ҳолатларда янги туғилган чақалоқлар аҳволи яхши, 66,5 % ҳолатда – қониқарли деб баҳоланган. Фақат 20,5% болалар оғир аҳволда туғилди, аммо кейинчалик ривожланган БИ клиникаси ҳам оғир неврологик ва умумсоматик симптоматика билан фарқланган. 7,8% ҳолатда геморрагик халокат ривожлангунига қадар диарея бўлган, анемия эса 28,1% ҳолатда учраган.

35% ҳолатда туғруқ пайтида ҳомиланинг киндикка ўралиб қолиши ҳолати кузатилган, айнан шу нарса БИ га олиб келганини сабабларидан бири бўлиши мумкин.

БИ ривожланиши хавф омилларига келсак, янги туғилган чақалоқларнинг оналаридаги анемия (82% ГИ ва 66,2% ИИ), одатда ГИ да, буйрак касалликлари (29,7% ва 28,1%), онада веналарнинг варикоз кенгайиши, бурундан қон кетиш каби ўткир мия қон айланиши бузилишига олиб келадиган соматик касалликлар аҳамиятли ҳисобланади. Шунга қарамай, кўрсатилган патологик ҳолатлар оналардаги яширин коагулопатия натижаси сифатида болаларда БМҚАЎБ ривожланишига туртки бўлган бўлиши мумкин. Эндокрин патология ИИда кўпинча 29,6% ҳолатда қайд этилган (бу кейинчалик қон-томир бузилишлар метаболик генези ривожланиши мумкинлигини кўрсатади). Ҳомиладорлик даврида TORCH инфекция бўлиши 19,5% ҳолатда: ГИ да цитомегаловирус (ЦМВ) ва оддий герпес вируси(ОГВ)га ташувчанлик қилиш кўринишидаги инфекция кузатилган. Ҳомиладорлик даври мобайнида оналар дори воситаларини қабул қилганлар: антибиотиклар - 54(27,2%), варикозга қарши воситалар - 24(12,12%), қон-томир препаратлар, жумладан, курантил - 12 (6,06%), айрим ҳолатларда антикоагулянтлар ва спазмолитиклар қабул қилган. Юқорида кўрсатилган медикаментларни қабул қилиш алоҳида аҳволдаги ҳомиладорларни юритиш протоколига киритилган бўлиб, шунга қарамай, уларнинг ҳомила гемостази тизимига таъсир этиши мумкинлиги истисно қилинмаган, зеро бизнинг тадқиқотларимизда эрта ёшдаги болалардаги ГИ да цефалоспорин қаторига оид антибиотиклар, шунингдек қон яратиш тизимига таъсир қиладиган перпаратларнинг қабул қилиниши аҳамият касб этган.

Таъкидлаш жоизки, БИда, айниқса эрта ёшдаги болаларда (3 ойликгача бўлган чақалоқлар) қуйидаги каби интранатал омиллар аҳамият касб этган бўлиши мумкин: 1) туғруқ фаолиятининг заифлиги – чўзилган туғруқ, 2) тез кечувчи туғруқ, 3) ҳомила олди сувларнинг муддатидан аввал кетиши.

Қариндошлар орасида наслдан ўтган гемостазиологик анамнез (ота-она, ака-ука, опа-сингил) 20 та (10%) беморда кузатилган.

Катталарда ҳам, болаларда ҳам 15–20% ҳолатда инсулт этиологияси аниқланмай қолаверди. Шу сабабга кўра, БМҚАЎБ ни келтириб чиқариши мумкин бўлган омилларга эътибор қаратдик. БИ да БМҚАЎБ билан бирга шамоллаш қайд этилди, бу БИда ҳам (20%), ИИ да(26%) ҳам кузатилган.

Гипертермик синдром ГИ да 15% ҳолатда, ва ИИда 17% ҳолатда қайд этилган. Уларнинг аксарият қисми фебрил деб талқин қилинган хуружлар

билан бирга кечган. Метаболик силжиш борлиги БМҚАЎБ ни ривожлантирувчи омил сифатида ГИ 13% ҳолатда кузатилди, бунда ўткир ичак касаллиги ёндош касаллик сифатида қайд этилди.

БИ бўлган барча беморларга инсультдан олдинги махсус этиологик омиллар таҳлили ўтказилди. ДВС, гипоксия, маиший жароҳат ва нейроинфекция каби омиллар эътиборга олинди. Шунингдек, бемор ёши ва БМҚАЎБ турига қараб метаболик ва митохондриял бузилишлар борлиги таҳлили амалга оширилди.

Шундай экан, болаларда, айниқса кичик ёшдаги инсультда клиник анамнез хусусиятлар ўзаро яққол акс этган фарқга эга эмас, айниқса бирламчи бўлган босқичида БМҚАЎБ хавфи ривожланиши кўп фактори омил сифатида мутахассис шифокорлар ҳушёрлигини талаб этади.

Кузатувларимизда БИ клиникаси ўткир (айрим ҳолларда ўткирости) касаллик бошланиши кузатилган, хулқ-атворда қуйидаги ўзгаришлар қайд этилган: безовталаниш, асабийлик ёки сусткашлик, «мия» ҳайқириғи, бўртган катта лиқилдоқ, калла суяги чоклари ажралиши, иштаҳа буғилиши, қусиш, талваса хуружи, эс-хуши йўқолиш даражаси, ўчоқли симптоматика, преретинал ва ретинал қон қуйилишлар билан кечган. Кўкракни рад этиш, эс-хушини бузилиши фақат ГИда кузатилди. Клиник кўринишларнинг хар хиллиги бемор ёшига боғлиқ бўлди.

Ўткирроқ, ўткир ва эрта тикланиш даврида умумий мия белгилари энг кичкина ёш гуруҳ болалари (1 ойликдан 3 ойликкача ва 1 ёшгача бўлган беморлар) ҳисобига сезиларли даражада устунлик қилди. Неврологик кўрикни БМҚАЎБнинг турли даврларида амалга оширдик. Шундай қилиб, назоратдаги болаларда ушбу патология кўп ҳолларда умумий мия белгилари: қайт қилиш 40 та (20,1%), талваса синдроми 63 та (31,6%), эс-хушни бузилиши 15 та (7,5%) ва бу ҳолатдан чиқиш 111 та (55,8%) ҳолатда ҳаракат бузилиши кўринишида кабилар билан пайдо бўлди. Безовталиқ, қусиш, уйқусизлик ва талваса билан кўкракни рад этиш кабиларни номаён бўлиши махсус белги ҳисобланмайди. Шу сабабли ўткир ва ўткирроқ даврлардаги вақтда БМҚАЎБ етарлича тез-тез аниқланмайди. Ҳаракат бузилиши, яъни ўчоқ етишмаслиги тикланиш даврида (эрта ва кеч) яққолроқ намоён бўлади, боланинг даврий белгиларни сақлаши сабаб, эҳтимол, мушаклар дистониясига боғлиқ бўлган, ҳаракат фаоллигининг чегараланиши ёки талваса мавжудлиги 30% дан кўпроқ кузатувларни ташкил этади.

Бош мия иннервациясини марказий бузилиши – беморларда пўстлоқ ва пўстлоқ ости тузилмаларга тегишли намоён бўлиши ҳисобланади. Шундай қилиб, БМНнинг 7 ва 12 жуфт парезидан ташқари, кузатувларимизда ютинишнинг бузилиши каби белгилар кўпроқ кузатилди, бу натижа бульбар симптоматикага нисбатан псевдобульбар бузилишилар кўпроқлигини кўрсатади.

Ҳақиқатдан ҳам, ҳаракат бузилишлар яққол ошиб боради; тикланиш давридан бошланиб 93,5%ни ташкил қилади. Ҳаракат бузилишларини турғунлигини эътиборга олиб, кейинчалик касаллик реабилитациясида муаммо туғдиради.

Ўнг томондаги гемипарез 57 та (28,6%) болада, чап мия ярим шаридаги гемипарез 60 та (305) беморда шаклланган. Жуда оғир даражадаги диффузиявий бузилиш - тетрапарез, тадқиқотимизда 35%ни ташкил этди.

Эпилептик тутканоқ ва инсультдан кейинги эпилепсиянинг мавжудлиги батафсил муҳокама қилиш учун лойиқ мавзу ҳисобланади. Тадқиқотимизда, болаларда БИнинг талвасали хуружларда 69та (34,7%) ҳолатда кузатилди, талвасаларнинг типига кўра таснифига мос равишда, улар ҳар томонлама фокал ҳолатдан инсультдан кейинги эпилепсия шаклланиши сабабли генерализацияланган характерга эга бўлган.

Биз БМҚАЎБнинг геморрагик типнинг турли даврларидаги 63 нафар болани (тўлиқ гемостазиограмма) текширдик. Гемостаз патологиясининг асосий лабораториявий маркерлари нафақат коагулограмма параметрларининг фазали силжишлари, балки персистловчи тромбинемия мавжудлиги, қон плазмасида фибрин ва фибрин-мономер комплекслар эритмаси миқдорининг ошиши (ФМКЭ), диссеминирланган томир ичи қон ивиши (ДҚТИҚИ) ҳужайравий маркерлари, физиологик антикоагулянт миқдорининг пасайиши ҳамдир.

Олинган маълумотларга мос равишда, гемостаз тизимида ўзгаришлар мавжуд бўлган, бу клиник маълумотлар билан ҳам боғлиқ. Бу, биринчи навбатда, ФҚПВ параметрларига ҳам тегишли, бу қон плазма омиллар сабаб қон кетишини тўхтатиш самарадорлигининг кўрсаткичи бўлиб, коагуляцион (плазмали) гемостази характерлайди ва гемостазиограмманинг энг сезувчан ва аниқ кўрсаткичидир.

Тадқиқотларимиз натижасида, болаларда БМҚАЎБнинг тикланиш даврида гемостаз тизимининг ФҚПВ (41,9±4,0 сек. (N=27-36 сек.)), тромбин вақти (14,1±1,0 сек. (N=8-14 сек.)), плазманинг фибринолитик фаоллиги (3,0±0,9 г/л (N=2-4 г/л)) каби кўрсаткичларининг БМҚАЎБнинг ўткир давридаги гуруҳ болалари билан таққослаганда меъёрлашишга мойиллиги белгиланди. Бироқ, тикланиш даврида “С” оксилни кўрсаткичлари (0,6±0,1 НО (N=0,7-1,3 НО)), ўткир даврдагига нисбатан (0,9±0,1НО) паст бўлган, бу қоннинг антиагулянт потенциалини толиққанлигини кўрсатади.

Болаларда БМҚАЎБнинг геморрагик типига кўра гемостаз тизими кўрсаткичларининг таҳлилида назорат гуруҳи билан таққослаганда, тромбоцитларнинг АДФ-индуктор билан агрегацион функцияси назорат гуруҳига нисбатан 2 мартагача пасайган (27,39±20,7 - 50,0± 5,0га қарши). антитромбин- III концентрацияси назорат гуруҳи кўрсаткичларидан фарқланмади (99,4±21,1 ва 98,0± 2,0 га мос равишда).

1-жадвал

Болаларда БМҚАЎБнинг геморрагик типига кўра гемостаз тизимининг кўрсаткичлари

Тест номи	ГИ бўлган гуруҳ (n=63) (M±SD)	Назорат гуруҳи (n=30)(M±m)
Концентрацияда АДФ билан агрегацияси 2*10 ⁻⁴ (%)	27,39±20,7	50,0± 5,0
ФҚПВ, сек.	52,6±49,5	26,0±2,0

Протромбин индекси, %	87,7±39,7	96,0 ± 4,0
Тромбин вақти	14,2 ±3,0	10,0 ±2,0
Плазмада фибриноген, г/л	3,36±0,92	3,1 ±1,0
Фибринолизга боғлиқ XII-а (мин.)	13,0±14,7	7,0± 2,0
Антитромбин-III, %	99,4±21,1	98,0± 2,0
«С» оксил, НО	0,5 ±1,0	0,9± 0,1
Виллебранд омили %	82,3±18,3	80,0 ± 10,0
ФМКЭ, мг/%	8,3± 4,01	4,5± 0,9

изоҳ*: М-ўртача; m- ўртача стандарт хато; SD-standard deviation (стандарт оғишма)

“С” оксилнинг ўртача кўрсаткичларида меъёр бўлганига қарамай, 5 та (7,4%) болада ушбу оксилнинг меъёрлашган муносабати паст бўлган. ФМКЭ миқдори назорат гуруҳига нисбатан 2 мартагача ортган. Таъкидлаш керакки, 100% текширилаётган болаларда плазманинг фибринолитик фаоллиги пасайган, бу ДҚТИҚИ синдромининг бошланишидан дарак бериб, тромбозга олиб келиши мумкин.

Корреляцион таҳлил маълумотларига кўра ФҚПВ ва антитромбин-III, протромбин вақти (ПТВ) ва ортофенол тест, С оксиди ва халқаро нормаллаштирилган муносабат (ХНМ), қон ивиш вақти (ҚИВ) ўртасида тўғридан-тўғри муносабати борлиги белгиланди. Текширилаётган беморларда геморрагик инсультнинг ўткирроқ даври ва Виллебранд омили $r=0,40$ $p\leq 0,04$ да ўртасида муҳимликнинг ўртача даражасида мўътадил ижобий муносабат аниқланди.

Фибриноген, ФҚПВ, ПТВ, тромбин вақтини белгилаш, гемостаз, хусусан ДҚТИҚИни аниқлаш учун скрининг усули ҳисобланади. Чақалоқларда ўткир даврдаги геморрагик касалликларда жигар охиргача шаклланмаганлиги билан ҳам боғлиқ, бу ҳолатда ФҚПВ миқдори ошади. Гемостазиограмманинг нормал кўрсаткичларида антиагулянт тизимнинг омили С оксидини таҳлил қилиш зарур. Гемостазнинг айрим компонентларининг корреляцион таҳлили маълумотларига кўра ФҚПВ ва антитромбин-3, ПТВ ва ортофенол тест, С оксиди ва ХНМ, ҚИВ ўртасида тўғридан тўғри муносабат борлиги белгиланди. Виллебранд фактори (ВФ) омилидан ташқари ҳеч бир гемостатик параметр касалликнинг даврлариаро коррелятив муносабатга эга бўлмаган.

Диссертациянинг **“Болаларда церебрал инсультнинг нейрофизиологик ва нейровизуализацион текширув натижалари”** деб номланган тўртинчи бобида болаларда церебрал инсультда МРТ текшируви кўрсаткичлари ўзгаришларининг хусусиятлари, диффузиявий-тензор магнит резонанс томография ёрдамида мия ўтказиш йўллариининг миқдорий ва сифат баҳоси ва эхокардиографик белгилар ўрганилган.

